

## **Стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ**

Рақобат қўмитаси томонидан **стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари** (ТИФ ТН коди 940210) товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

### **I. Стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари импорт ва экспорт ҳолати.**

2023 йилда **37 та** корхона томонидан **12 та** давлатдан қиймати **1 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **211 минг тн** стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари **импорт** қилинган.

Импорт қилинган маҳсулотларнинг **88 фоизи** – Хитой, **10 фоизи** – Жанубий Корея, **2 фоизи** эса бошқа **10 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **81 фоизи** тўғри келган. Импорт асосида олиб келинган маҳсулотларнинг **ўртача нархи 1 тн** учун **4,8 минг долларга** тўғри келган.

Шунингдек, 2023 йил давомида республика ҳудудидан стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари экспорт қилинмаган.

### **II. Ички бозордаги рақобат ҳолати.**

Таҳлиллар доирасида стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмларини ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННИ** (Херфиндал-Хиршман индекси) орқали баҳоланди.

Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2023 йилда **25 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари ишлаб чиқарилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННИ** ҳисобланганда, индекс натижаси **1 892 пункт**га тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити етарлича ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: **ННИ** (Херфиндал-Хиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, ННИ кўрсаткич 0 дан 1500 пунктгача бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, 1500 дан 2500*

пунктгача бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган, 2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.

Шунингдек, ички бозорда стоматологик ўриндиқлар ишлаб чиқариш бозорининг **CR 3** кўрсаткичи **70,5 фоизга** тенг бўлган.

**CR 3** кўрсаткичи - бозордаги энг йирик **3 та** корхонанинг бозор улушлари йиғиндисига тенг.

### **III. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.**

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 940210 остидаги стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари маҳсулотининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

*Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.*

2023 йил давомида **25 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан **98 тн** стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари ишлаб чиқарилган. Шунингдек, мазкур йил давомида **211 тн** стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари импорт қилинган.

Мазкур маълумотлар асосида стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмларининг **мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси** 2023 йилда **31,7 фоизни** ташкил этганлиги аниқланди.

*Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.*

Шунингдек, республикада ишлаб чиқарилган стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари маҳсулотининг **ўртача нархи 1 тн** учун ўртача **59,4 млн сўмга** (2023 йил ҳолатига 5,1 минг АҚШ долл.) тўғри келган.

### **IV. Хулоса.**

ТИФ ТН коди 940210 остидаги **стоматологик ўриндиқлар ва уларнинг қисмлари** товар бозорининг **тўйинганлик даражаси 31,7 фоизни** ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича **мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**